XALQ DEPUTATLARI JONDOR TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2024-yil 13-iyul VI-115-76-2-35-K/24 Jondor tumani

Жондор туманида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги “Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 79-сонли қарорларига асосан туманда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 127-моддаларига асосан, Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги “Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 79-сонли қарорига мувофиқ қуйидагилар:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинганлиги;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизи сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларга тегишли объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтирилиши;

туманлар ҳокимликлари 2024 йилги тасдиқланган маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини сув солиғининг прогноз қилинган суммасини 40 фоизга тенг миқдорда ошириш юзасидан Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига;

сув солиғи тушуми паст бўлган туман (шаҳар)ларда сув етказиб бериш хизматлари ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун етишмайдиган маблағларни ирригация бўлимларини сақлаш харажатлари учун маҳаллий бюджетларда ажратилган маблағларни туман

(шаҳар)лар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига таклиф киритиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Кенгашларига ҳудудлардаги “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда Халқ депутатлари туман Кенгаши қарорига асосан сув солиғининг прогноз қилинган суммасини 40 фоизга оширилиши ҳисобига маҳаллий бюджетнинг 2024 йил учун белгиланган даромадлари ва харажатлари миқдорини иловага мувофиқ тенг миқдорларда оширилсин.

Бунда, солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичини оширилишида қишлоқ хўжалиги корхоналари учун йил давомида сув етказиб бериш ҳажмининг ўсиши кўзда тутилганлиги инобатга олинсин.

3. Жондор тумани иқтисодиёт ва молия бўлими (Б.Тоиров), Жондор тумани Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасаси директори (Ў.Ғаффоров), туман Ғазначилик бўлими бошлиғи (З.Нуриддинов) туман ҳокимлиги билан биргаликда:

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловидан тегишли маҳаллий бюджетларига ҳақиқатда келиб тушган маблағларни 40 фоизини ҳар ой якуни бўйича белгиланган муддатларда тегишли ҳудудлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисоб-варағига ўтказилишини таъминласин.

4. Жондор тумани солиқ инспекцияси (Л.Исаев) Жондор туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланилган сув ҳажми, шу жумладан, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловларини белгиланган муддатларда ундириш чоралари кўрилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ш.Бобоев) ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ҳ.Мажитов)лар зиммаларига юклансин.

Sessiya raisi

SHEROV ORTIQ ORZIQULOVICH

Xalq deputatlari Jondor tumani
Kengashining
2024-yil 13-iyuldagi
VI-115-76-2-35-K/24 -son qaroriga
1-ilova

Жондор туманида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида тегишли туман маҳаллий бюджетининг 2024 йил даромадлари ва харажатларини ошириш миқдорлари

млн сўмда

№	Ҳудуд номи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ прогнози	2024 йилда сув солиғи бўйича тушумларни 40 фоизга ошириш режаси	2024 йилда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасини сақлаш учун харажатларни ошириш режаси
1	Жондор тумани	4 236,0	1 694,0	1 694,0
Жами		**4 236,0**	**1 694,0**	**1 694,0**